

Қабрда жон жасадга қайтарилиши хусусида



17:30 / 23.04.2019 5992

Инсон умри поёнига етиб қабрга дафн этилгач, унинг жони яна қайта жасадига киради. Бу масалада баъзи аҳли илмлар таваққуф қилиб қатъий қарорга кела олмаган бўлсалар-да, лекин аксар уламоларга кўра бу ҳақиқатдир. Аҳли суннат раиси имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ очиқ-ойдин шундай деганлар:

«Қабрда жоннинг жасадга қайта киритилиши ҳақдир!» (Ал-фикҳ ал-акбар. Имом Абу Ҳанифа).

Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узун бир ҳадисларида ҳам бор:

«Бас, унинг руҳи жасадига қайтарилади...» (Имом Аҳмад ривоят қилган ва исноди саҳиҳ деган).

Бу ҳадис ва имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг шу сўзларига кўра, қабр азоби руҳгами, жасадгами ё икковигами, деб ихтилоф қилган баъзи мутааххирларнинг ихтилофига чек қўяди. Қабр азоби инсон руҳи ва жасадига биргаликда бўлади.

Шунингдек, бу масала билан жаҳмий ва мўътазилийларга ҳам раддия берилади. Чунки улар жони йўқ жасад азобланади, деб эътиқод қилиш мантиққа тўғри келмайди, деб айтишади.

Матнда имомимиз Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ «қабрда» деб айнан қабрни келтиришлари ғолибият эътибори билан. Аслида денгизда чўкиб балиқларга ем бўлганлар ҳам, йиртқич ҳайвонлар ҳужумига учраб ўлганлар ёки жасади парча-парча бўлиб йўқ бўлиб кетганлар ҳам юқоридаги масалага дохилдир. Аллоҳ ҳар қандай ҳолатдаги жасадга ҳам унинг руҳини қайтаришга қодир Зотдир!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳнинг йўлида қатл бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар. Балки улар тирик, Роббилари ҳузурда ризқланмоқдалар» (Оли Имрон сураси, 169-оят).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Уҳуд жангида шаҳид бўлган саҳобалар Аллоҳ тарафдан анвойи неъматлар билан ризқлантирилиб, жаннатнинг роҳат-фароғатларини тотитар экан, бир-бирларига «қани энди, ортимизда тирик қолган биродарларимиз бизнинг тириклигимизни ва ризқимиз етказиб бериб турилганини билишганида эди, Аллоҳнинг йўлидаги муҳорабаларда дангасалик қилишмаган бўларди... бизнинг ҳолимизни уларга ким етказиб қўяр экан-а» – дейишар экан. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен етказаман» – дейди ва юқоридаги оятни нозил қилади. (Тафсир билмаъсур. Жалолуддин Суютий).

Машҳур саҳоба Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг ривоят қилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бадр жангидан уч кун ўтгач яна Бадр майдонига келадилар ва: «Эй Абу Жаҳл, эй Умайя ибн Халаф, эй Утба ибн Робиъа, эй Шайба ибн Робиъа Роббингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақлигини билмадингми?! Мен Роббим ваъда қилган нарсанинг ҳақлигини билдим» – дейдилар.

Буни Умар ибн Хаттоб ҳам эшитиб турган эди. У киши: «Эй Расулуллоҳ, улар қандай эшитишади ва қандай жавоб қайтаришади, ваҳоланки ҳаммаси ўлиб бўлишган бўлса? – деб сўрайди. Шунда Расулуллоҳ: «Жоним эгаси бўлган Зотга қасам, сизлар улардан кўра яхшироқ эшитувчи эмассиз. (Улар ҳам сизлардек эшитади) Лекин жавоб қайтара олишмайди холос», – дедилар (Имом Муслим. 2874).

Ойбек Раҳимов,

Андижон тумани “Қорабош ота” жоме масжид имом-хатиби